

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ВА
КАСАНАЧИЛИК БИЛАН
ШУҒИЛЛАНАЁТГАН ШАХСЛАРГА
СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ БҮЙИЧА**
УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

«Адолат» милий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2024

Хунармандчиликка ва касаначилик билан шуғилланаётган шахсларга субсидиялар ажратиш бўйича услугбий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллый ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 68 б.

ISBN 978-9943-5620-5-9

Тузувчилар: И. Исломов
С. Алламурорадов
М. Ахмедов

Мазкур услугбий қўлланма ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғилланаётган шахсларга субсидиялар ажратиш юзасидан “Маҳалла еттилиги” аъзолари учун ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўғри ва бир хилда ташкил этиш ҳамда амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

Мундарижа

Кириш.....	5
Хунармандчиликка ва касаначилик билан шуғулланаётган шахсларга субсидиялар ажратиш юзасидан қонунчилик ҳужжатлари:.....	7
Хунармандчилик ва касаначилик тушунчаси	9
Хунармандчилик фаолиятининг йўналишлари.....	10
Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида.....	16
Ажратиладиган субсидиялар рўйхати.....	21
Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида.....	27
Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш схемаси.....	36
Маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш тартиби тўғрисида	37
Маҳаллаларда касаначиликни ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш схемаси.....	40
Тадбиркорлик субъектларига касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари» ёки «ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида	41
Тадбиркорлик субъектларига касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари» ёки «ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш учун субсидия ажратиш схемаси.....	46

Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначилик фаолияти билан шуғуланиш истагини билдирган ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни касбга ўқитиш тартиби тўғрисида	47
Тадбиркорлик субъектларига касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш ҳамда мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида низом	50
Тадбиркорлик субъектларига касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш ҳамда ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш схемаси.....	54
Касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида	55
Касаначиларни касб-ҳунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш схемаси	59
Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига фоизсиз ссуда ажратиш тартиби тўғрисида.....	60
Тадбиркорлик субъектларига фоизсиз ссуда ажратиш схемаси	63
Ҳунармандчилик билан шуғилланаётган шахслар учун имтиёз ва кафолатлар.....	64
Ҳунармандчилик соҳасидаги тадбиркорлар учун давлат хизматлари ва улардан фодаланиш тартиби.....	66

КИРИШ

Хунармандчилек соҳаси – янги иш ўринлари ташкил қилиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантириш борасида катта имкониятлар манбаи ҳисобланади.

Ислоҳотлар даврида хунармандлик соҳасига ҳам Республикаизда миллий хунармандчилекни ривожлантириш бўйича кенг имкониятлар яратилиб, қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Сўнгги 6 йилда хунармандчилек ва касаначиликни янада ривожлантиришга қаратилган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Президентимизнинг 15 та қарор ва фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 20 га яқин қарорлари қабул қилингани фикримиз далилидир.

Айниқса, юртбошимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчилекни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазкур масалаларнинг том маънодаги ечими бўлди.

Ҳужжат билан хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, имтиёзли кредитлар бериш, маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш, шунингдек, республикамизнинг туман ва шаҳарларида хунармандчилекни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва "Уста-шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ишлари белгиланди.

Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда миллий хунармандчилек санъати жадал ривожланиб бормоқда. Мисол учун, 2017 йилгача "Хунарманд" уюшмасига ўн мингга яқин киши аъзо бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони қарийб 7 баробарга, шогирдлар 9 баробарга кўпайиб, соҳада банд бўлганлар сони 230 минг нафарга етди.

Мазкур услубий қўлланма ҳунармандчилик фаолиятининг йўналишлари юзасидан “Маҳалла еттилиги” аъзолари ва кенг аҳоли учун ҳуқуқни қўллаш амалиётини тўғри ва бир хилда ташкил этиш ҳамда амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ВА КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒИЛЛАНАЁТГАН ШАХСЛАРГА СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ ЮЗАСИДАН ҚОНУНЧИЛИК ХУЖЖАТЛАРИ:



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги "Аҳолини ҳунармандчilikка жалб қилиш ва ҳунармандчilik фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5242-сонли Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Халқаро ҳунармандчilik фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5841-сон Фармони;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги "Аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-91 Фармони;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5242-сон Фармони;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-77-сон Қарори;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги "Маҳаллаларда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-77-сон Қарори;



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасчининг 2023 йил 22 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги хузуридаги ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-кувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-77-сон Қарори;

ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА КАСАНАЧИЛИК ТУШУНЧАСИ

Ҳунармандчиллик – миллий-анъанавий майда товар ишлаб чиқариш, оддий меҳнат қороллари ёрдамида якка тартибда ва қўл меҳнатига асосланган саноат тури; шундай маҳсулотлар тайёрланадиган касбларнинг умумий номи.

Буни билиш муҳим!

Ҳунармандлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июнданги ПҚ-4742-сон қарори билан тасдиқланган йузини ўзи банд қиласиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатида келитирилган фаолият ўйналишилари бўйича ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолият юритишилари мумкин.

Касаначилик – тузиладиган меҳнат шартномасига мувофиқ жисмоний шахс (касаначи) томонидан ўз яшаш жойи бўйича ёки касаначига ёхуд унинг оила аъзоларига тегишли бўлган ёки касаначи томонидан ижарага олинган бошқа хоналарда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш борасида амалга ошириладиган ишдир..

ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил
12 июндаги ПФ-91-сон Фармони билан тасдиқланган
Хунармандчилик фаолиятининг йўналишлари рўйхатига
асосан 43 та йўналиш белгиланган. Жумладан:

- **Ганч ўймакорлиги** – қандиллар, девор шамдонлари, кўзгу, нақшлар, сталактитлар, муқарнас (фриз), карнизовлар, устунлар элементлари, панжаралар, ҳайкалчалар, панно, шифт ва девор безаклари ва асослари, ганчдан ясалган архитектура ва қурилиш элементлари, бошқа амалий безак маҳсулотлари.
- **Қўлда гилам тўқиши** – гилам ва гиламчалар, палослар, хуржунлар, кигиз буюмлар, шолчалар, жойнамозлар, ўтовлар, табиий толадан тайёрланган буюмлар.
- **Қўлда газламалар тўқиши** – атлас, бекасам, адрес, табиий ипак, ип калава, жун ва сунъий ипдан тўқилган газламалар.
- **Тош ўймакорлиги** – тошдан тайёрланган эсдалик буюмлар, майда пластикалар, қутичалар, ёзув анжомлари, шамдонлар, панно, рельефлар ва контррельефлар, барельефлар, геральдика ва рамзлар, тошни пардозлаш йўли билан тайёрланган безаклар ва бошқа безак буюмлар.
- **Миниатюра, рангтасвир, нақошлик ва бўёкли нақшлар тайёрлаш** – лок миниатюраси техникасида тайёрланган буюмлар: қутичалар, суратлар, девор, қофоз мато, тери, газлама, папье-маше, ёғоч, қовоқ, картон, сукяк ва эмалдаги нақшлар ва

расмлар, миниатюра ва тасвирий санъат асарлари, рисолалар ва бошқа ҳунармандчиллик буюмлари, муқовалаш.

- **Кандакорлик, мискарлик буюмларини тайёрлаш** – мис, латун, алюминийдан ясалган буюмлар (чойнак, қумғон, лаган, гулдон, шунингдек, безаш ва амалий мақсадлар учун мүлжаллаган бошқа буюмлар).
- **Металлдан буюмлар ясаш** – қўлда ясалган металл буюмлар: эшиклар, нақшли дарвозалар, панжаралар, дераза ва эшик тутқичлари, илгаклар, қўнғироқлар, занжирлар, шамдонлар, кетмонлар, тешалар, хаскаш, паншахалар, омочлар, барча турдаги миллий қилич, ханжар ва пичоқлар, оммавий ишлаб чиқариладиган металл буюмлар.
- **Тунукадан буюмлар ясаш** – қўлда ясалган тунука буюмлар: гулдор ва жимжимадор тарновов ва қувурлар, ошхона анжомлари (ошпичноқ, капкир, чўмич, човли, элак, мантиқосқон ва бошқалар), уй-рўзғор буюмлари (кийим ва парда илгичлар, қўл ювгич, тутқичлар, соябонлар) ва бошқалар.
- **Миллий пойабзал тайёрлаш** – қўлда ва якка тартибда тикилган миллий пойабзаллар, теридан маҳси ва ковушлар, кирза ва кигиз этиклар, сандаллар, шиппаклар, туфлилар.
- **Миллий либослар тайёрлаш** – чопон, яхтак, нимча, болалар чопонлари, тўй либослари ва бошқа миллий кийимлар.
- **Бош кийимлар тайёрлаш** – телпак, салла, шунингдек, мўйна, қоракўл тери, тери ва қўлда ишлов берилган материаллардан тикилган бошқа бош кийимлар.
- **Ёғоч ўймакорлиги** – ёғоч ўймакорлиги услубида бажарилган барча амалий безак санъат турлари.
- **Суякка ўйма нақш солиш** – эсадалик совғалари, майдо ҳайкалчалар, нәцкэ, қутичалар, пичоқ, қилич, ханжар соплари, суяқдан безак берган ҳолда тайёрланган бошқа амалий безак маҳсулотлари.

- **Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар тайёрлаш** – түрли хил матоларга гул босиши усулида тайёрланган буюмлар: батик, миллий күрпа ва күрпачалар, ёстиқлар, белбоғлар, жияклар, сумкалар, тасмалар, болалар кийимлари ва бошқа чокли ҳунармандчилик буюмлари.
- **Каштачилик** – каштачилик ва түқилган буюмлар, шунингдек, қўлда тайёрланган бош кийимлар қисмлари (кашта машина ёрдамида ҳам тайёрланиши мумкин).
- **Зардўзлик буюмлари** – металл иплардан фойдаланган ҳолда зардўзлик услубида тайёрланган барча ҳунармандчилик маҳсулотлари.
- **Мусиқа асбобларини тайёрлаш** – ишлаб чиқаришдан ташқари усулда тайёрланган барча турдаги миллий мусиқа асбоблари.
- **Чинни, фаянс ва сопол буюмлари тайёрлаш** – чинни, фаянс ва сополдан тайёрланган амалий безак санъатининг барча турлари, архитектура-безак элементлари, чинни, фаянс ва сопол буюмларини нақш ва трафарет билан безаш, лойдан тайёрланган уй ва ошхона буюмлари, тандирлар.
- **Қимматбаҳо металldан заргарлик буюмларини ясаш** – қонунчиликка мувофиқ тамғаланиши шарт бўлган пробали олтин, кумуш, платина ва платина грухидаги металлардан ижодий, муаллифлик ва миллий услубда ясалган буюмлар.
- **Ўйинчоқлар тайёрлаш** – ёғоч, металл, гипс, мато, сопол ва бошқа материаллардан ишлаб чиқаришдан ташқари шароитда ясалган ўйинчоқлар.
- **Майдо ҳайкалтарошлик буюмларини тайёрлаш** – табиий ва сунъий материаллар (гипс, шамот, мис, бронза, алюминий, суяқ, ёғоч, тош, сопол, чинни, фаянс, ва бошқалар)дан ясалган барча турдаги ҳайкалтарошлик буюмлари.
- **Чарм маҳсулотларини тайёрлаш** – эгар-жабдуқ анжомлари,

шу жумладан улар учун арқон, белбоғ, қайиш анжомлар, табиий ва сунъий чармдан тайёрланган миллий нимча ва бош кийимлар, чармдан тайёрланган эсдалик буюмлари.

- **Муаллифлик мебелларини тайёрлаш** – амалий безак санъати предметларига кирадиган мебель (түпламлари ва алоҳида қисмлари).
- **Ёғочдан халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларини тайёрлаш** – ошхона анжомлари (ўқлов, туздон, нон қути, жува, кели, ош тахта, чакич), ёғоч, фанер ва ламинатдан тайёрланган турли ҳунармандчилик маҳсулотлари, беланчаклар, болалар аравачаси, бешик ва унинг анжомлари, турли хонтахталар, сандиқ, жавон, эшик, ром, безакли рейкалар, сурат учун ромлар (багет), токарлик ускунасидан тайёрланган ҳар хил шаклли ҳунармандчилик маҳсулотлари, ёғоч шахмат тахтаси ва донаси, панно, ёғочдан қўлда ва кичик механизатсия воситалари ёрдамида ясалган бошқа буюмлар.
- **Печка ва каминлар ясаш** – печкалар, каминлар, шу жумладан улар учун ҳаво сўриш қурилмалари.
- **Новдалардан буюмлар тўқиши** – ўсимлик новдаларидан тўқилган буюмлар (қамиш, тол, похол, ток новдалари ва бошқа ҳар хил дараҳт новдалари).
- **Мозайка ишлари** – девор ва шифт мозайкалари, табиий ва сунъий материалдан мозайка паннолари тайёрлаш.
- **Кўзгу тайёрлаш** – кўзгу ва кўзгу сиртлари тайёрлаш.
- **Шиша пуфлаш ишлари** – бадиий пуфлаш асосида ишланган бра, майда пластиклар, эсдалик буюмлари, тақинчоқлар.
- **Ҳажмли ва шаклли қолипларда қўйилган буюмлар тайёрлаш** – табиий ва сунъий материаллардан қўйма услубда ишланган буюмлар, шунингдек, (мураккаб механизм ва машиналардан фойдаланмаган ҳолда) мис, бронза, чўян, алюминийдан қўлда қўйма услубда ишланган маҳсулотлар.

- **Соатсозлик** – деворга осиладиган эксклюзив, полда турадиган, камин ва құл соатлари тайёрлаш, соат механизмларини таъмирлаш.
- **Эмаллаш ишлари** – эмал қопламали буюмларни тайёрлаш, эмал қопламаларини таъмирлаш ва тиклаш.
- **Эсдалик буюмларини тайёрлаш** – турли табиий ва сунъий материаллардан қар хил рангда тайёрланган эсдалик ва совға буюмлари, камар, нишонлар, тасбек, гулдасталар, флористика, икебана ва бошқа буюмлар.
- **Оддий металлардан миллий услугуда тақынчоқлар ясаш** – оддий металлардан миллий услугуда тайёрланган барча тақынчоқлар (туморлар, зираклар, зебигардон, билагузук, узук, тиллақош ва бошқалар).
- **От анжомларини тайёрлаш** – узанги, тақа, нүкта, қамчи, әгар-жабдуқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш.
- **Хаттотлик** – хаттотлик услубида тайёрланган құлөзмалар, китоблар, миниатюра ва тасвирий санъат асарлари, рисолалар ва бошқа ҳунармандчилик буюмлари яратиш.
- **Қадимий құлөзмаларни реставрatsия қилиш** – қадимий ёзма манбаларни консервatsия ва реставрatsия қилиш, муқовалаш.
- **Макраме ва құлда түқилған буюмлар тайёрлаш** – макраме, патли рүмоллар, спицаларда түқилған буюмлар.
- **Анъанавий дүппичилик** – худудларга хос гул ва нақшларда миллий услугуда тайёрланган дүппи ва бош кийимлар.
- **Замонавий санъат асарлари яратиш** – чиқинди ва қайта ишланған хомашёлардан фойдаланыб декоратив, ноанъанавий асарлар яратиш.
- **Деворга безак бериш** – деворга миллий ва замонавий услугуда безак бериш, барельеф.

- **Анъанавий дизайнерлик хизматларини күрсатиш** – миллий кийимлар, түй ва маросимларда ишлатиладиган сарпо идишлар, ҳар хил ўлчам ва кўринишдаги жомадонлар.
- **Қуроқчилик усулида тикиш** – кўрпа, ёпинчиқ, панно, ёстиқ жилдлар тайёрлаш

Изоҳ!

хунармандлар мазкур йўналишилар бўйича хунармандчилик маҳсулотларини (ишларни, хизматларни) реализатсия қилиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА КАСАНАЧИЛИКНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ

● Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

Жамғарма маблағлари құйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган **трансфертлар**;
- халқаро молия институтлари грантлари, жисмоний ва юридик шахслар ва бошқа хорижий донорларнинг **хомийлик хайриялари**;
- Жамғарманинг вақтынча бүш маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан фоиз шаклида олинадиган даромадлар;
- қонунчилык ұжжатларыда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағлари солиқ солинадиган обьект ҳисобланмайды.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғармани молиялаштиришга ажратиладиган трансфертларнинг ҳажми ҳар йили аниқлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрларыда тасдиқланади.

Халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахслар ҳамда хайрия жамғармаларининг, жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари қонунчилікта белгіланған тартибда Жамғарманинг Ғазначилик хизмати құмитасидаги шахсий

ғазна ҳисобварагларига келиб тушади, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар ёки хорижий грантларни бериш шартларида бошқача тартиб назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

● Жамғарма маблағларини башқариш ва молиялаштириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўйимлари тегишли равишда Жамғарма маблағларини тасарруф этувчилар ҳисобланади.

❖ Буни билиш мұхым!

Жамғарма маблағларидан қуийдаги мақсадлар учун фойдаланилади:

а) тадбиркорлик субъектларига ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртacha даромади миқдорида бир марталик субсидия улар касаначиликни ташкил этган маҳаллалар жойлашган ҳудудидан қатъи назар ажратиласди;

б) тадбиркорлик субъектларига қуийдаги субсидиялар ажратиласди:

2025 йил 1 январга қадар касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиши бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорда бир марталик;

касаначилик ёки ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишилаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини

мослаштириши учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жоий бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда;

касаначиларни касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларни уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда;

давлатванодавлат таълим ташкилотларида касаначилик йўналишида ўқув курсларини тамомлаган ҳар бир битирувчига касбга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 барабаридан ошмаган миқдорда;

давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитилган касаначиларни малака имтиҳонларини ташкил этиши билан боғлиқ харажатларни банд бўлмаган ҳар бир шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 барабаридан ортиқ бўлмаган миқдорда.

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан туман (шаҳар)ларнинг тоифасига қараб:

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшлиарга хунар ўргататеётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун 1 — 3 тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, 4-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача ва 5-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача;

шогирдларга — мустақил фаолият бошлиши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун 1 — 3 тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача;

усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун 1 — 3 тоиға туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаши миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоиға туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаши миқдорининг ўттиз бараваригача; ҳунарманёлларнинг «Ҳунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун базавий ҳисоблаши миқдорининг беш бараваригача; г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар бир жалб қилинган касаначи учун 1 миллион сўмгача, бироқ жами 150 миллион сўмгача 2 йилгача муддатга фоизсиз ссуда ажратиласди. Бунда мазкур ссудани тадбиркорлик субъектлари талабига биноан касаначиларнинг банк карталарига ўтказиб берилишига рухсат этиласди.

Жамғарма маблағларини мазкур Низомда назарда тутилмаган мақсадлар учун сарфлашга йўл қўйилмайди.

● **Жамғарманинг Ишчи органи**

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Молия-иктисод бошқармаси Жамғарманинг Ишчи органи ҳисобланади.

Жамғарманинг Ишчи органи:

- Жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича прогнозни ва ҳисобот балансларини шакллантиради;
- Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисоб ва ҳисобот юритилишини таъминлайди ҳамда иқтисодиёт ва молия органларига юборади;
- Жамғарманинг молиявий ҳисботи ишончлилигини таъминлайди;

- Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалалари бүйича изохлар ва таклифлар беради;
- фаолиятини касаначилик асосида ташкил этган тадбиркорлик субъектларига субсидиялар ажратиш, уларни молиявий құллаб-құватлаш ишларини ташкил этиш ва мувоғикалаштириш;
- касаначилик асосида иш фаолиятини ташкил этган ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидия ва ссудалар ажратылған тадбиркорлик субъектларининг иш натижадорлигини таҳлил қилиш.
- Жамғарманинг йил якуни бүйича маблағлари қолдиғи олиб қүйилмайды ва кейинги молия йили учун даромадлар ва харажатлар сметасини тузишда инобатта олинади.

● **Жамғарманинг түшуми ва маблағларидан фойдаланишни назорат қилиш ҳамда жавобгарлик**

- Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бөш бошқармалари, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандликка күмаклашиш бўлимлари Жамғарманинг маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун жавоб беради.
- Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ички аудит хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади.

АЖРАТИЛАДИГАН СУБСИДИЯЛАР РҮЙХАТИ

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун:

- 1, 2, 3-тоифа туман ва шаҳарларда** – Базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 2 бараваригача;
- 4-тоифа туман ва шаҳарларда** – БҲМнинг 4 бараваригача;
- 5-тоифа туман ва шаҳарларда** – БҲМнинг 5 бараваригача.

Шогирдларга — мустақил фаолият бошлиши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун:

- 1, 2, 3-тоифа туман ва шаҳарларда** – Харажатларнинг 50 фоизи, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача;
- 4-5-тоифа туман ва шаҳарларда** – Харажатларнинг 75 фоизи, бироқ БҲМнинг 30 бараваригача.

Усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун:

- 1, 2, 3-тоифа туман ва шаҳарларда** – Харажатларнинг 50 фоизи, бироқ БХМнинг 25 бараваригача;
- 4-5-тоифа туман ва шаҳарларда** – Харажатларнинг 75 фоизи, бироқ БХМнинг 30 бараваригача.

Хунармандларнинг «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун:

- 1, 2, 3, 4, 5-тоифа туман ва шаҳарларда** – БХМнинг 5 бараваригача.

Хунармандчилик фаолияти билан шуғулланаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича:

- 1, 2, 3, 4, 5-тоифа туман ва шаҳарларда** – БХМнинг 40 бараваригача.

Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва туманларининг тоифалари:

Худудлар/ Тоифа	1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа	4-тоифа	5-тоифа
Кораллопофистон Республикаси	мавжуд әмас	Нұкис шаҳри ва Құнғирот түмани;	Беруний, Корайзак, Тахи- атош, Тұрғыл, Хўжайли, Чим- бой, Эллинқаръа;	Амударё ва Нұкс түман- лари;	Бўзатов, Кетейли, Қонликўл, Мўйноқ, Тахтакўпир, Шуманай.
Тошкент шаҳри	барча туманлар.				Бўстон ва Улғунор.
Андижон вилояти	Андижон шаҳри;	Андижон, Асака ва Шаҳриқон туманлари, Хонобод шаҳри;	Балиқчи, Булоқбоши, Кўргончепа, Олтинқўл ва Хўжаобод;	Жалакудук, Избоскан, Марҳамат ва Пахтаобод;	
Бухоро вилояти	Бухоро шаҳри;	Когон шаҳри, Когон, Қоровулбозор ва Ромитан туманлари;	Бухоро, Фиждуон ва Корагүл түман- лари;	Вобкент, Жондор, Олот, Пешкун, Шоғиркон;	мавжуд әмас

Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри;	Ғаллаорол;	Дўстлик, Зарбдор, За- фаробод, Зомин, Мирзаҷӯй, Гаҳ- такор, Фориш, Шароф Рашидов;	Баҳмал, Яңги- обод;	Арнасой;
Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри;	Шаҳрисаbz шаҳри, ғузор, Китоб ва Шаҳрисаbz туман- лари;	Қасби, Қосон, Кўқдала, Қарши, Чироқчи ва Якқабоғ туман- лари;	Қамаши, Миришкор, Муборак, Нишон;	Деконобод.
Навоий вилояти	Навоий шаҳри;	Зарафшон шаҳри, Кармана, Навбакор ва Учкудуқ туман- лари;	Ғозғон, Қизилтепа, Нурота;	Қонимек, Хатирчи;	Томди.
Наманган вилояти	Наманган шаҳри, Яңги Наманган ва Давлатобод туманлари;	Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон;	Қосонсой, На- манган, Поп, Чорток, Чуст ва Яңгикўрғон туманлари;	Норин;	Мингбулук.
Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри;	Жомбой, Самарқанд ва Тойлоқ туманлари;	Каттақўрғон шаҳри, Булунур, Иштихон, Нар- пай, Оқдарё, Пастдарғом ва Ургут туманлари;	Каттақўрғон, Нуробод, Пахтаки, Паярик;	Қўшрабод.

Сирдарё вилояти	Мавжуд эмас	Гулистан ва Ширин шахарлари, Сирдарё тумани;	Янгиер шахри, Мираобод ва Оқолтин туманлари;	Боёвт, Гулистан, Сайхунбод ва Ховос туманлари;	Сардоба.
Сурхондарё вилояти	Термиз шахри	Жаркӯргон ва Термиз туманлари	Ангор, Денов, Кумкӯргон, Сариёсиё	Бойсун, Музрабон, Узун, Шеробод, Шўрчи	Бандиҳон, Қизириқ, Олтинсой
Тошкент вилояти	Оҳангарон ва Чирчик шахарлари	Ангрен, Бекобод, Нурафшон, Олмалик ва Янгиюл шахарлари, Бўстонлик, Зангитота, Қибрайд, Қуийчирчик Тошкент, Чиноз ва Юқоричирчик туманлари	Оқкуйгон, Оҳангарон, Паркент, ўргачирчик ва Янгиюл туманлари	Бекобод, Бўка ва Пискент туманлари	Мавжуд эмас
Фарғона вилояти	Фарғона шахри	Кўкон ва Марғилон шахарлари, Бувайдатумани	Кувасой шахри, Бешарик, Боғдорд, Дангарा, Куба, Кўштепа, Олиярик, Риштон, Тошлок, Ўзбекистон, Учқуприк ва Фарғона туманлари	Фурқат	Сўҳ, Ёзевон

Хоразм вилояти	Урганч шаҳри	Боғот	Хива шаҳри, Гурлан, Тупраккалья, Ур- ганд, Ҳазорасп, Хонқа, Шовот туманлари	Кўшкўпир, Хива ва Янгибозор туманлари	Янтиарик
-----------------------	--------------	-------	--	--	----------

ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚҮЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ УЧУН СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТҮРКИСИДА

▼ Бүни билиш мүхим!

Жамғармамаблағлари ҳисобидаң субсидиялар туман (шаҳар) ларнинг тоифасига қараб қўйидағи мақсадлар учун ажратилади:

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшлирга хунар ўргатоётган хунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур ҳом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун — бой давомида ҳар ойда 1 — 3-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, 4-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача ва 5-тоифа туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача;

шогирдларга — мустақил фаолият бошлиши учун зарур асбобускуна ва жиҳозларни сотиб олиш учун 1 — 3-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача;

усталарга — интернет сайтларини яратиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун 1 — 3-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача, 4-5-тоифа туман (шаҳар)лар учун харажатларнинг 75 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача

хунармандларнинг «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун базавий ҳисоблаши миқдорининг беш бараваригача

Талабгорга субсидия туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлими (кейинги ўринларда — маҳаллий меҳнат органи) томонидан тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчисининг тавсияси асосида** ажратилади.

- **«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун субсидия ажратиш**

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган ҳунармандлар (кейинги ўринларда — ҳунарманд) шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклдаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада ҳунарманднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун сўраклаётган субсидия тури, «Хунарманд» уюшмасига аъзолиги ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, банк реквизитлари кўрсатилади, шунингдек, «уста-шогирд» анъаналари асосида шогирд сифатида қабул қилган меҳнатга лаёқатли ёшларнинг (фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатган ҳолда) рўйхати илова қилинади.

Аризада қайд әтилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун ҳунарманд жавобгар ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

«Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуийдаги маълумотларни ўрганади:

- ҳунарманд ҳақиқатда «Хунарманд» уюшмаси аъзоси эканлигини;
- ҳунарманд сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

жойига чиққан ҳолда қуийдагиларни ўрганади:

- ёшларнинг ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунармандлардан хунар ўрганаётганлигини;
- ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашёга эҳтиёжини;

ўрганишинатижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуийдагилар акс эттирилади:

- ҳунарманднинг «Хунарманд» уюшмасига аъзолиги;
- ёшлар ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунармандлардан хунар ўрганаётганлиги;
- сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;
- ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашёга эҳтиёжи мавжудлиги;

«Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуийдаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига юборади:

- тавсия (тавсияда ушбу банднинг «в» кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);
- субсидия олиш бўйича ҳунарманднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

- ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

Агарда хунарманд мазкур Низомнинг 5-банди «а» ва «б» кичик бандларига мос келмаса ёки нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хунармандга хабарнома юборади.

Маҳаллий меҳнат органи икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва тавсия билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

- ўрганиш натижасига кўра (агарда тавсия ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида маҳаллий меҳнат органининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчисига ва хунармандга хабарнома юборади.
- Маҳаллий меҳнат органи хунармандга шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун — 6 ой давомида ҳар ойда 1 — 3-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача, 4-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача ва 5-тоифадаги туман (шаҳар)лар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда субсидия ажратади ҳамда субсидияни икки иш куни ичida устанинг банқдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.
- Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан берилган тавсия ва юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, маҳаллий меҳнат

органи томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни күрсатган ҳолда ҳоким ёрдамчисига ва хунармандга хабарнома юборади.

Буни билиш мұхым!

Ушбу субсидия туридан фойдаланиши ҳуқуқи бир марта берилади.

● **«Уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганған шогирдга мустақил ўз фаолиятини бошлаш учун зарур асбоб-усқуна ва жиҳозларни сотиб олишга субсидия ажратиш**

«Уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганған шогирд (кейинги ўринларда — шогирд) мустақил ўз фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-усқуна ва жиҳозларни сотиб олишга субсидия ажратиш бүйича тавсия беришни сүраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада шогирднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, сўралаётган субсидия тури, «Хунарманд» уюшмасига аъзолик маълумотномаси күрсатилади, шунингдек, «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунар ўрганғанлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун шогирд жавобгар ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

«Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлайди;

жойига чиққан ҳолда қуийдагиларни ўрганади:

- шогирднинг ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунарманддан ҳунар ўрганганилигини;
- мустақил фаолият бошлиши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга эҳтиёжини;

ўрганиши натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуийдагилар акс эттирилади:

- сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганилиги;
- шогирднинг ҳақиқатда «уста-шогирд» анъаналари асосида ҳунарманддан ҳунар ўрганганилиги;
- мустақил фаолият бошлиши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга эҳтиёжи мавжудлиги;

«Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуийдаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига юборади:

- тавсия (тавсияда ушбу банднинг «в» кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);
- субсидия олиш бўйича шогирднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;
- ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

● **Усталарга интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун субсидия ажратиш**

Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган шахслар (кейинги ўринларда — уста) интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон

савдо майдончаларига чиқариш ёки реклама харажатлари учун ажратиладиган субсидияларнинг айнан бир турини танлаган ҳолда, харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада устанинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, сўралаётган субсидия тури, «Хунарманд» уюшмасига аъзолиги ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, банк реквизитлари кўрсатилади, шунингдек, электрон дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи юридик шахс (кейинги ўринларда — дастурчи) билан тузилган шартнома нусхаси илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун уста жавобгар ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

«Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуийдаги маълумотларни ўрганади:

- устани ҳақиқатда «Хунарманд» уюшмасига аъзолигини ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;
- дастурчининг солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтганлигини;
- сўралаётгансубсидиятуриданмуқаддамфойдаланмаганлигини;

ўрганишнатижалари бўйичадалолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуийдагилар акс эттирилади:

- устанинг ҳақиқатда «Хунарманд» уюшмасига аъзолиги ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги;
- интернет сайтларини ташкил этиши, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариши ёки рекламанинг

- айнан бир тури бўйича дастурчи билан тузилган шартноманинг мавжудлиги;

- сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

«Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали қуийдаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига юборади:

- тавсия (тавсияда ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс этирилади);

- субсидия олиш бўйича устанинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

- ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

● **Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳунармандларнинг «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини**

Хунармандлар ўзларининг «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма, «Онлайн маҳалла» электрон платформаси ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада ҳунарманднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, «Хунарманд» уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун тўлаш лозим бўлган ҳисобварақ ва сўралаётган субсидия миқдори кўрсатилади, шунингдек, «Хунарманд» уюшмасининг бадиий кенгаши қарори нусхаси илова қилинади.

Аризада қайд әтилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун ҳунарманд жавобгар ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

«Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали ҳунарманд сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганигини ўрганади;

ўрганиш натижалари ҳунарманднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ҳамда тавсияни «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали маҳаллий меҳнат органига юборади.

- Бунда тавсияда ҳунарманднинг тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганилиги ва сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганилиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Тавсияда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

ХУНАРМАНДЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚҰЛЛАБ- ҚҰВВАТЛАШ УЧУН СУБСИДИЯЛар АЖРАТИШ СХЕМАСИ

1-қадам

талабгор тавсия беришни сұраб үзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки "Онлайн маҳалла" электрон платформаси ёхуд Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласы;

2-қадам

Ҳоким ёрдамчиси талабгорнинг маълумотларини ўрганади, ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ҳамда тавсияни ва ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномани "Онлайн маҳалла" электрон платформаси орқали маҳаллий меҳнат органига юборади

2-қадам

Маҳаллий меҳнат органи ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади, субсидия ажратиш түғрисида бўйруғи қабул қилинади ҳамда субсидияни талабгорнинг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради

Жами муддат 5 иш куни

МАҲАЛЛАЛАРДА КАСАНАЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА

● Мурожаат қилиш тартиби

Талабгор касаначиликни ташкил этганидан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласди.

Талабгорнинг мурожаатида касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, талабгорнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили кўрсатилади, шунингдек, мурожаатга касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси, касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори түғрисидаги маълумотнома (ёки касаначининг дастлабки уч ой давомидаги фаолияти учун тўловлар банк орқали тўланганлигини тасдиқловчи маълумотнома) илова қилинади.

● Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

Маҳаллий меҳнат органи талабгор томонидан субсидия олишни сўраб тақдим этилган ҳужжатларни 3 иш куни ичидаги ўрганиб чиқади. Бунда субсидия бериш учун талабгор ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома

ёки пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот портала (кейинги ўринларда — Ягона электрон шартномалар ахборот портали) рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда расмийлаштирилганлигига камида З ой ўтганлиги асос ҳисобланади.

Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилиб, унда барча зарур маълумотлар кўрсатилганлиги, касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси расмийлаштирилганлигига камида уч ой ўтганлиги, Ягона электрон шартномалар ахборот портала рўйхатдан ўтказилганлиги ҳамда касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори ҳаққонийлиги тасдиқланганда, маҳаллий меҳнат органи талабгорга касаначиликни ташкил этганлиги учун субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қиласи. Қарорда субсидия миқдори ва уни ажратиш муддати (мурожаат тушгандан сўнг З иш кунидан ошмаган муддатда) кўрсатилиши лозим.

Бунда маҳаллий меҳнат органи томонидан касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдорининг ҳаққонийлиги туман (шаҳар) Солиқ инспекциясидан маълумот олиш йўли билан ёки «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали текширилади.

Субсидия ажратиш қўйидагиларга кўра рад этилади:

хужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот портала рўйхатдан ўтказилмаганда;

касаначининг дастлабки уч ой давомидаги даромади миқдори тўғрисидаги маълумот ҳаққонийлиги тасдиқланмаса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичидаги ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган миқдорда бир марталик субсидия ажратилади.

МАҲАЛЛАРДА КАСАНАЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ СХЕМАСИ

1-қадам



тадбиркорлик субъекти (талабгор) туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қиласи;

2-қадам



туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими убсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни ради этиш тўғрисида бўйруқ қабул қиласи;

Ўрганиши натижаларига кўра субсидия ажратишни ради этиш тўғрисида бўйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу бўйруқ нусхасини юборади.

3-қадам



туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ўқиш бошланган ойдан кейинги ойнинг бешинчи санасида талабгорга субсидия ажратади;

4-қадам



Субсидия ажратилган талабгор ўқиш бошланган кундан 10 кун ичида касаначиларни касб-хунарга ўқитиш бошлаганлиги тўғрисида маҳаллий меҳнат органига ёзма равища хабардор қиласи

Жами муддат 3 иш куни

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ИШСИЗ ВА ИШ ҚИДИРӘЁТГАН, ШУНИНГДЕК, «ТЕМИР ДаФТАР», «АҶЛЛАР ДаФТАРИ», «ЁШЛАР ДаФТАРИ» ЁКИ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЯГОНА РЕЕСТРИ»ГА КИРИТИЛГАН ФУҚАРОЛАРГА АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА ХОМ АШЁ ҲАРИД ҚИЛИШ БҮЙИЧА ҲАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА

● Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

Талабгор касаначиликни ташкил этганидан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласи.

Талабгорнинг мурожаатида касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, талабгорнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси илова қилиниши шарт.

Бунда талабгор мурожаатда касаначига буюртма берилаётган иш

турига қараб, субсидия ҳисобидан харид қилинадиган асбоб-ускуналар ва хом ашё номи ва тури, аниқ харид нархини кўрсатиши лозим.

Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга 3 иш куни ичida ўрганиб чиқади.

Бунда субсидия бериш учун талабгор ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида (кейинги ўринларда — Ягона электрон шартномалар ахборот портали) рўйхатдан ўтказилганлиги, шунингдек, касаначилик билан шуғуланаётган ишсиз ва иш қидираётган фуқаролар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилганлиги ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да турганлиги асос ҳисобланади.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан талабгорнинг харид қиладиган асбоб-ускуналар ва хом ашё нархи давлат харидларининг электрон тизими ёки бошқа очиқ манбаларнинг маълумотларидан фойдаланиш орқали ўрганиши мумкин. Ўрганиш натижаларига мувофиқ асбоб-ускуналар ва хом ашёning нархини талабгор томонидан бозордаги ушбу асбоб-ускуналар ёки хом ашёning ўртacha нархи қийматига тенг (ёки ундан юқори) белгиланганлиги маҳаллий меҳнат органи харид комиссияси қарори билан тасдиқланади.

Талабгор томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилиб, унда барча зарур маълумотлар кўрсатилган ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилганлиги, касаначилик билан шуғуланаётган ишсиз ва иш қидираётган фуқаролар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилганлиги ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»да турганлиги тасдиқланганда маҳаллий меҳнат органи ва талабгор ўртасида ижтимоий контракт тузилади.

Ижтимоий контракт тузилгандан сўнг касаначига буюртма берилаётган иш турига қараб, асбоб-ускуна ва хом ашёни харид қилиш харажатларини қоплаш учун маҳаллий меҳнат органи томонидан талабгорга субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичida қарор қабул қилинади. Қарорда субсидия миқдори ва уни ажратиш муддати (мурожаат тушгандан сўнг 3 иш кунидан ошмаган муддатда) кўрсатилиши лозим.

Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичida талабгорга ҳар бир касаначига асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади.

Субсидия ажратилгандан сўнг 10 кун ичida талабгор ҳар бир касаначи учун асбоб-ускуналар ва хом ашё харид қилинганилиги ва касаначига бепул берилганилиги ҳамда асбоб-ускуналар ва хом ашёнинг хусусиятидан келиб чиқиб номи, тури, маркаси, кафолат муддатини кўрсатган ҳолда ижтимоий контракт тузилган маҳаллий меҳнат органини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Буни билиш муҳим!

Субсидия ажратиши қуийдагиларга кўра рад этилади:

хужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмагандა;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмагандა;

касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иши қидираётган фуқаролар, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлилар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилмаганилиги тасдиқланганда;

харид қилинадиган асбоб-ускуна ва хом ашёнинг нархи қасддан юқори қилиб кўрсатилганлиги аниқланса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиши тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

● **Касаначининг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш ва фойдаланилмаётган асбоб-ускуналар ҳамда хом ашёга ажратилган субсидияни қайтариб олиш тартиби**

Маҳаллий меҳнат органи ҳамда ҳоким ёрдамчиси ажратилган субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуна асосида ишлаётган касаначининг фаолияти самарадорлигини бир ойда бир маротаба олти ой давомида мониторинг қилиб боради.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра ижтимоий контрактда белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳамда субсидия асосида харид қилинган асбоб-ускуналар ва хом ашёдан фойдаланилмаётганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборилади.

Субсидия ажратилган талабгор хабарнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.

Хабарнома тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг) маҳаллий меҳнат органи ва ҳоким ёрдамчиси субсидия ҳисобидан харид қилинган асбоб-ускуна ва хом ашё билан

фаолият юритаётган касаначилар фаолиятининг самарадорлигини қайта мониторинг қиласи.

Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратилган талабгордан ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қиласи, ижтимоий контрактни бир томонлама бекор қиласи ва субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборади.

Хабарномада субсидия ажратилган талабгор томонидан ажратилган субсидияни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.

Субсидия ажратилган талабгор хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичida ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУГУЛЛАНАЁТГАН ИШСИЗ ВА ИШ ҚИДИРАЁТГАН, ШУНИНГДЕК, «ТЕМИР ДаФТАР», «АЕЛЛАР ДаФТАРИ», «ЁШЛАР ДаФТАРИ» ЕКИ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЯГОНА РЕЕСТРИ»ГА КИРИТИЛГАН ФУҚАРОЛАРГА АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА ХОМ АШЁ ҲАРИД ҚИЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ СХЕМАСИ

1-қадам

тадбиркорлик субъекти (тала�отор) туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимига мурожаат қиласди;

2-қадам

туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

Ўрганиши натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талаботорга ушбу қарор нусхасини юборади.

3-қадам

туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими талаботорга ҳар бир касаначига асбоб-ускуналар ва хом ашё ҳарид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида субсидия ажратади.

Жами муддат 8 иш куни

ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ АСОСИДА КАСАНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН ИШСИЗ ВА БАНД БҮЛМАГАН ФУҚАРОЛАРНИ КАСБГА ҮҚИТИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА

● Давлат буюртмасини шакллантириш

Давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида давлат буюртмаси асосида касаначилар ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ касбга ўқитилади.

❖ Буни билиш мұхым!

Туман (шаҳар) ҳокимликлари туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартыриш ва бандликка құмаклашиш бўлимлари билан биргаликда келгуси йил учун жорий йилнинг 10 декабрига қадар:

худудларда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларининг касаначилек йұналишларида малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ўрганади;

касбга ўқитишга эҳтиёжи бўлган фуқароларнинг касаначилек фаолияти йұналишлари асосида касблар бўйича давлат буюртмасини ишилаб чиқади;

ишилаб чиқилган давлат буюртмасини тасдиқлаши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича худудий кенгашларига (кейинги ўринларда — худудий кенгашлар) тақдим этади.

- Ҳудудий кенгашлар тақдим этилган давлат буюртмаларини умумлаштириб, таҳлил қиласи ва беш кун ичидаги тасдиқлади.
- Давлат буюртмасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар ҳудудий кенгашлар томонидан киритилади.

● **Давлат буюртмаси асосида касаначиларни касбга ўқитишга йўналтириш**

- Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари;
- Низомнинг 4-бандида кўрсатилган касбга ўқитиш бўйича белгиланган давлат ва нодавлат таълим ташкилотларининг йиллик ўқитиш эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ўқитиш тақсимотини ишлаб чиқади;
- ўқитиш тақсимотига асосан давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касаначиларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш ишларини ташкил этади;
- касбга ўқитиш жараёнларини мониторинг қилиб боради;
- касбга ўқитилган касаначиларни касаначилик фаолияти йўналишлари бўйича уларнинг касбий малака даражасини баҳолаш учун малакани баҳолаш марказларига юборади.

● **Давлат буюртмаси асосида касаначилик йўналишида касбга ўқитилган касаначиларнинг малака даражасини баҳолаш**

- Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқиган касаначиларнинг малака даражасини баҳолаш учун уларнинг малакани баҳолаш марказларига, шу жумладан,

«Ишга марҳамат» мономарказларида ташкил этилган малакани баҳолаш марказлариға юборилишига қўмаклашади.

- Бунда давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитилган касаначилар малака даражасини баҳолатиш учун ўзлари ихтиёрий равища мурожаат қилиши мумкин.
- Туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка қўмаклашиш бўлимлари давлат буюртмаси асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида касбга ўқитилган касаначиларни малака даражасини баҳолаш учун малакани баҳолаш марказлариға юборади ҳамда малака имтиҳонларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни банд бўлмаган ҳар бир шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда Ҳунармандчилик ва касаначилик қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб беради.

Буни билиш муҳим!

Малакани баҳолаш марказлари томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори билан тасдиқланган Малака даражалариға эришиши схемаси асосида касбга ўқитилган касаначилар малакаси баҳоланади;

баҳолашдан муваффақиятли ўтган касаначиларга ўн кун ичida малака сертификати берилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА КАСАНАЧИЛИК ЁКИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АСОСИДА УЙ ШАРОИТИДА ИШЛАЁТГАН НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛЯРНИНГ ИШ ЖОЙИНИ МОСЛАШТИРИШ ҲАМДА МОСЛАШТИРИЛАЁТГАН ҲАР БИР ИШ ЖОЙИ ҲАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТҮҶРИСИДА НИЗОМ

● Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

Талабгорногиронлиги бўлган шахснинг жойини мослаштиргандан сўнг субсидия олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси **Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласи**.

Талабгорнинг мурожаатида ногиронлиги бўлган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойларини мослаштириш учун сарфланган харажатларнинг асосли ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумот, талабгорнинг субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили кўрсатилиши, шунингдек, мурожаатга ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пурдат шартномаси, ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида

давлат рўйхатидан ўтганлиги, «Хунарманд» уюшмасига аъзолиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси илова қилиниши шарт.

Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ илова қилинган тегишли хужжатлар билан бирга **З иш куни ичида ўрганиб чиқади**.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларида субсидия бериш учун талабгор ва ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси рўйхатдан ўтказилганлиги ёки якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳамда иш жойини ногиронлиги бўлган шахсга мослаштириш учун сарфланган харажатларнинг асосли ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумот.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва асосли деб топилганда, талабгорга ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш харажатларини қоплаш учун мослаштирилаётган ҳар бир иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 бараваригача миқдорда** субсидия ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилинади. Қарорда субсидия миқдори кўрсатилиши лозим.

Маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг беш иш куни ичида талабгорга ҳар бир иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади**.

❖ **Бўни билиш мұхим!**

Субсидия ажратиш қўйидағиларга кўра рад этилади:

хужжатлар ушбу Низомнинг 5-бандларига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмагандা;

ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганилиги тўғрисидаги маълумот Солиқ қўмитасининг ахборот тизимларида мавжуд бўлмагандা;

ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш тўғрисидаги маълумотлар ўз тасдиғини топмаса.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиши тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, талабгорга ушбу қарор нусхасини бир кун муддатда юборади.

Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиши тўғрисидаги қароридан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

● **Касаначилик ва ҳунармандчилик фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ажратилган субсидияларни қайтариб олиш тартиби**

Ҳоким ёрдамчиси:

- ажратилган субсидия ҳисобидан касаначилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойи мослаштирилганлиги ҳамда талабгор ва касаначи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартномага асосан фаолияти олиб бораётганлигини;
- ажратилган субсидия ҳисобидан ҳунармандчилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойи мослаштирилганлиги ҳамда якка тартибда тадбиркор

сифатида фаолият олиб бораётганлигини олти ой давомида мониторинг қиласи.

- Үтказилган мониторинг натижаларига кўра талабор томонидан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги аниқланса, ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган талаборга хабарнома юборилади.
- Субсидия ажратилган талабор хабарномани олган кундан эътиборан бир ой ичida кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.
- Маҳаллий меҳнат органига хабарнома келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичida (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун бир ой муддатдан сўнг) ҳоким ёрдамчиси томонидан қайта мониторинг үтказилади.
- Үтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи талабордан субсидияни қайтариш юзасидан қарор қабул қиласи ва субсидия ажратилган талаборга хабарнома юборади.
- Хабарномада субсидия ажратилган талабор томонидан субсидияни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.
- Субсидия ажратилган талабор хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичida ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА КАСАНАЧИЛИК ЁКИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК АСОСИДА УЙ ШАРОИТИДА ИШЛАЁТГАН НОГИРОНЛИГИ БҮЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИНИ МОСЛАШТИРИШ ҲАМДА ҲАР БИР МОСЛАШТИРИЛАЁТГАН ИШ ЖОЙИ ҲАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ СХЕМАСИ

1-қадам

тадбиркорлик субъекти (талағор) маҳаллий меңнат органига мурожаат қилади;

2-қадам

туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандлікка күмаклашиш бўлими тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

Ўрганиши натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, талағорга ушибу қарор нусхасини юборади.

3-қадам

туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандлікка күмаклашиш бўлими Талағорга ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойини мослаштириш ҳаражатларини қоплаш учун мослаштирилаётган ҳар бир иш жоий бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда субсидия ажратади.

Жами муддат 8 иш куни

КАСАНАЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШГА САРФЛАНАДИГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДА

● Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

Талабгор касаначиларни касбга ўқитиш, қайта ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласди.

Талабгорнинг мурожаатида касаначининг фамилияси, исми, отасининг исми, субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварафи (реквизитлари), касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака ошириш жойи, ўқиш муддати, ўқитиладиган касб йўналиши номи кўрсатилиши, мурожаатга **касаначи билан тузилган фуқаролик-хуқуқий тусдаги меҳнат шартномаси ёки пудрат шартномаси илова қилиниши шарт**.

Бунда талабгор мурожаатда касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажат миқдорини кўрсатиши лозим.

Маҳаллий меҳнат органи талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли хужжатлар билан бирга **3 иш куни ичида ўрганиб чиқади**.

Бунда субсидия бериш учун талабгор ва касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома

ёхуд пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилганлиги асос ҳисобланади.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан ўрганиш натижаларига кўра мурожаатда кўрсатилган маълумотлар тўғри ва тўлиқ, барча ҳужжатлар тақдим этилган ҳамда ёлғон маълумотлар кўрсатилмаган деб топилганда, мурожаат қилган талабгорга ҳар бир касаначига касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 бараваригача миқдорда субсидия ажратиш тўғрисида уч иш куни ичида буйруқ қабул қилинади.**

Буни билиш муҳим!

Субсидия ажратиши қуийдагиларга кўра рад этилади:

ҳужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмагандა;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳукуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда.

Маҳаллий меҳнат органи субсидия ажратишни рад этиши тўғрисида буйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу буйруқ нусхасини бир кун муддатда юборади.

Талабгор маҳаллий меҳнат органининг субсидия ажратишни рад этиши тўғрисидаги буйруғидан норози бўлса, юқори турувчи органга ёки суд органларига шикоят қилиши мумкин.

Талабгор касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, шунингдек, малака оширган касаначининг ўқиши якунланган кундан бошлиб 5 иш куни ичида ушбу касаначининг ўқишини якунлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини маҳаллий меҳнат органига тақдим этиши шарт.

● Касаначини касб-хунарга ўқитиш самарадорлигини

- Маҳаллий меҳнат органи ҳамда ҳоким ёрдамчиси ажратилган субсидия ҳисобидан касаначиларнинг касб-хунар ўрганаётганлигини жойига чиқсан ҳолда мониторинг қиласи.
- Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра талабгор томонидан белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганлиги ҳамда касаначи касб-хунар ўрганмаётганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи ходими ва ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича субсидия ажратилган талабгорга хабарнома юборилади.
- Талабгор хабарнома олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичida кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ва амалга оширилган ишлар юзасидан маҳаллий меҳнат органига хабарнома юборади.
- Хабарнома тушган кундан эътиборан уч иш куни ичida (ёки аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш учун ўн беш кун муддатдан сўнг) маҳаллий меҳнат органи ва ҳоким ёрдамчиси касб-хунарга ўқитишни қайта мониторинг қиласи.
- Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра дастлабки мониторингда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганлиги аниқланса, маҳаллий меҳнат органи талабгорга ажратилган субсидияни қайтариш бўйича қарор қабул қиласи ва унга хабарнома юборади.
- Хабарномада талабгор томонидан ажратилган субсидияни қайтариш учун маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитлари кўрсатилиши лозим.
- Талабгор хабарнома тушган кундан эътиборан беш иш куни ичida ажратилган субсидияни хабарномада кўрсатилган маҳаллий меҳнат органига тегишли бўлган банк реквизитларига

(Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасида фоиз тўловлари билан бирга) тўлиқ миқдорда қайтариши шарт.

КАСАНАЧИЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЎҚИТИШГА САРФЛАНДИГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ СХЕМАСИ

1-қадам



табиркорлик субъекти (талабгор) ҳокими ёрдамчисининг тавсияси асосида тегишли маҳаллий меҳнат органига мурожаат қиласи;

2-қадам



туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими тақдим этилган хужжатларни ўрганиб чиқиб, субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи;

Ўрганиш натижаларига кўра субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида бўйруқ қабул қилинган тақдирда, талабгорга ушбу бўйруқ нусхасини 1 кун муддатда юборади.

3-қадам



туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими субсидия ажратилади;

4-қадам



субсидия ажратилган талабгор Касаначиларни касб-хунарга ўқитиш бошлаганилиги тўғрисида маҳаллий меҳнат органига ўқиш бошланганган кундан 10 кун ичидаги ёзма равишда хабардор қиласи.

Жами муддат 3 иш куни

ХУНАРМАНДЧИЛИК ВА КАСАНАЧИЛИКНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМГАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ФОИЗСИЗ ССУДА АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТҮФРИСИДА

● Ссудани ажратиш тартиби ва шартлари

Талабгор касаначиларни жалб этгандан сүнг ссуда олиш учун маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиларининг тавсияси асосида худудий бош бошқармага ёзма равишда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиласиди.

Талабгорниң мурожаатида қўйидагилар илова қилиниши шарт:

- жалб қилинган касаначиларнинг сони, фамилияси, исми, отасининг исми;
- касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-ҳукуқий тусдаги шартнома ёки пудрат шартномаси;
- охирги ҳисобот даври учун солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида солиқ органлари маълумоти, шунингдек, муддати ўтган кредит қарзлари мавжуд эмаслиги ҳақида хизмат кўрсатувчи тижорат банкидан маълумотнома;
- ссуданинг миқдори ва ссуда сўраклаётган давр, шунингдек, ссудани қайтаришнинг кафолатланган манбалари;

- талабгорнинг ссуда тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи (реквизитлари) ва манзили.
- Ҳудудий бош бошқарма талабгорнинг мурожаатини илова қилинган тегишли ҳужжатлар билан бирга беш иш куни ичида ўрганиб чиқади.
- Ҳудудий бош бошқарма томонидан зарурат туғилганда, ҳудудий иқтисодиёт ва молия бошқармалари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлардан қўшимча маълумотлар сўраб олиниши мумкин.
- Ҳудудий бош бошқарма томонидан талабгорга ссуда ажратиш (ёки ажратишни рад этиш) тўғрисида уч иш куни ичида қарор қабул қилинади ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида талабгор хабардор қилинади. Қарорда ссуда миқдори, уни ажратиш ва қайтариш муддатлари кўрсатилиши лозим.

Буни билиш муҳим!

Ссуда ажратиши қуийдагиларга кўра рад этилади:

ҳужжатлар ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ талабгор томонидан тўлиқ тақдим этилмагандан;

тақдим этилган ҳужжатлар ўз тасдиғини топмагандан;

касаначи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки ишларни бажариш (товарлар ишилаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш) ҳақидаги фуқаролик-хуқуқий тусдаги шартнома ёхуд пудрат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг Ягона электрон шартномалар ахборот порталида рўйхатдан ўтказилмаганда.

Ссуда ажратиши тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ҳудудий бош бошқарма бошлиғи ва талабгор имзолари билан тасдиқланадиган ссуда ажратиши тўғрисида шартнома тузилади.

Шартномада ссудани қайтариши тартиби ҳамда жадвали илова қилинади.

Ссудани қайтариши, қоидა тариқасида, ссуда ажратилган ойдан 3 ой ўтгач бошланади.

Худудий бош бошқарма ва талабгор ўртасида шартнома имзолангандан сўнг беш иш куни ичида ссуда ажратиласди.

Мазкур ссуда талабгор талабига биноан касаначиларнинг банк карталарига ўтказиб берилишига рухсат берилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ФОИЗСИЗ ССУДА АЖРАТИШ СХЕМАСЫ

1-қадам



тадбиркорлик субъекти (талағор) тадбиркорликни ривожлантириш, ақоли бандлігіні тағындауда және көмекшілікни қысқартырыш масалалари бүйічә туман (шаңар) ұжымдарының ёрдамчилари тавсияси асосида ҳудудий бөш бошқармаларга зарур ұжжаттарни илова қылған ҳолда мурожаат қылады;

2-қадам



Қарақалпоғистон Республикасы Камбағаллықни қысқартырыш ва бандлік вазирлігі, вилоятлар ва Тошкент шаңар Камбағаллықни қысқартырыш ва бандлік бөш бошқармалары ұжжаттарни ўрганиб чиқады, ұжжаттарни ўрганиб чиқады ҳамда талағор билан шартнома түзилады;

3-қадам



Ҳудудий бөш бошқармалар шартнома имзоланғандан сүнг ссуда ажратады;

4-қадам



Талағор ссуданы шартнома шартларига күра белгиланған муддаттарда қайтарады.

Жами муддат 13 иш куни

ХУНАРМАНДЧИЛИК БИЛАН ШУҒИЛЛАНАЁТГАН ШАҲСЛАР УЧУН ИМТИЁЗ ВА КаФОЛАТЛАР

2025 йил 1 январга қадар “Халқ амалий санъати усталарининг миллий каталоги” ва “Туризм соҳасида фаолият юритаётган ҳунармандлар реестри”га киритилган ҳунармандлар учун:

- календарь йил давомида ҳунармандчилик маҳсулотларини (ишлар, хизматлар) реализatsия қилишдан тушган тушумнинг **100 млн сўмдан ошган, бироқ 1 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдори бўйича айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади;**
- товар белгиларини миллий рўйхатдан ўтказиш **бепул амалга оширилади.**
- 2023 йилда оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга ажратилаётган маблағларнинг камида **70 фоизи ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.**
- Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ҳунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси этиб қайта номланди. 2023 йил 15 июндан бошлаб ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари **Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

2023 йил 1 июлдан бошлаб:

- ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишда халқаро почта ва куръерлик жўнатмалари сифатида жўнатиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ маҳсулот экспорт қийматининг (жўнатиш харажатларисиз) **50 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми қоплаб берилади;**

- давлат мулки бўлган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектларини хунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш, шу жумладан хунармандчилик маҳсулотларини реализatsия қилиш учун фақат Миллий каталог ва Реестрга киритилган хунармандларга электрон **онлайн-аукцион орқали ижарага берилади.**
- 2024 йил 1 марта қадар “Янги Ўзбекистон” боғига туташ ҳудудда 0,3 гектар ер участкасида намойиш зали, “Уста-шогирд” мактаби ва устахонани ўз ичига олган Хунармандлар маскани барпо этилиши режалаштирилмоқда. Бунда ҳар бир хунармандга **100 кв. метргача бўлган жойлар ижарага берилади.**

ХУНАРМАНДЧИЛИК СОЖАСИДАГИ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОДАЛАНИШ ТАРТИБИ

- Тадбиркорлик субъектлариға ҳунармандчилік ва касаначиликни құллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фоизсиз ссуда ажратиш

Хунармандчилікни янада ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектлариға ҳунармандчилік ва касаначиликни құллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фоизсиз ссуда ажратиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали амалга оширилади.

Белгиланган тартибга кўра Ариза берувчи порталда рўйхатдан ва/ёки авторизatsиядан ўтади ва сўров юборади.



Кимлар мазкур турдаги хизмат фойдаланувчилари бўлишлари мумкин?



Юридик шахслар ва Якка тартибдаги тадбиркорлар.

Хизмат кўрсатиш учун
керак бўладиган
ҳужжатлар:



Кредит қарзлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома;



Суддан қайтаришнинг кафолатланган манбалари тўғрисида маълумотнома.

Хизмат кўрсатиш муддати:

8 иш куни

Хизмат нархи:

Бепул

● **Ҳунармандчилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига ногиронлиги бўлган фуқароларнинг иш жойларини мослаштириш учун субсидия ажратиш**

Мазкур масаласи ҳам Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали амалга оширилади.



Мазкур хизматдан фойдаланиш тартиби қандай?

- Ариза берувчи ЯИДХПда рўйхатдан ва/ёки авторизациядан ўтади ва сўров юборади;
- Ваколатли орган аризачи томонидан субсидия олишни сўраб тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;
- Ваколатли орган аризачига субсидия ажратиш ёки субсидия ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

Ушбу турдаги мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.



Кимлар мазкур турдаги хизмат фойдаланувчилари бўлишлари мумкин?



Юридик шахслар ва Якка тартибдаги тадбиркорлар.

Хизматни кўрсатиш учун керак бўладиган ҳужжатлар Сарфланган харажатларнинг асосли ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумотнома.

Сарфланган харажатларнинг асосли ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумотнома.

Хизмат кўрсатиш муддати:

8 иш куни

Хизмат нархи:

Бепул

ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ВА КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУФИЛЛАНАЁТГАН ШАХСЛАРГА СУБСИДИЯЛАР АЖРАТИШ БҮЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

Нашр учун масъуллар: *И. Исломов*
С. Алламурорадов
М. Ахмедов

Мұхаррир: *Д. Маткаримова*

Компьютерда саҳифаловчи: *Х. Холиёров*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Нашр. лис. АИ № 032, 29.10.2019.

Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкӯчаси, 19-үй.

Телефонлар: (99871) 233-28-18, (99871) 280-55-47

Веб сайт: www.adolatmarkazi.uz

е-майл: info@adolatmarkazi.uz

Босишига рухсат этилди **.**.2024 й.

Қоғоз бичими 60x84 1/₁₆. «Segoe UI» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи **.

Нашриёт ҳисоб табоғи **. Адади *** нусха.

-буортма.